

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИ ВА УНИНГ ТАРМОҚЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА 2022 — 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУРНИ  
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий усуллари кенг жорий этиш, бу орқали кўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантириш, чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мазкур соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган дастур (кейинги ўринларда — Дастур) **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган дастурда белгиланган вазифаларни 2022 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Дастур тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган «Йўл харитаси» орқали босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

2. Қуйидагилар Дастурни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ҳамда чорвачилик ва унинг тармоқларида ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, ушбу соҳада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга оид давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;

чорвачилик соҳасида сифат назоратини кучайтириш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, кўшилган қиймат занжирига эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш;

табiiй ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни тизимли йўлга қўйиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни назарда тутувчи чораларни кўриш;

чорвачилик соҳасида инфратузилма хизматларини янада ривожлантириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва турларини кенгайтириш, ушбу соҳага замонавий бозор тамойилларини кенг жорий этиш;

чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғини модернизация қилиш, соҳани диверсификация қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция ҳамда хорижий капитал оқимини кўпайтириш, шунингдек, инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

чорвачилик хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори кўшилган қийматни яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш самарадорлигини ошириш;

чорвачилик ва унинг тармоқларида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларини кенгайтириш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарадор шаклларини жорий этиш ҳисобидан илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва ажратилган майдонлардан унумли фойдаланишни таъминлаш мақсадида бир гектар суғориладиган ва лалми ер майдони ҳисобидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар меъёрларини ишлаб чиқиш.

3. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Ветеринария фидойиси» ва «Чорвачилик фидокори» кўкрак нишонларини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси бир ой муддатда «Ветеринария фидойиси» ва «Чорвачилик фидокори» кўкрак нишонлари тўғрисидаги низом лойиҳаларини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш мақсадлари учун 2022 йилда Жаҳон банкининг 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Дастурни ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимларининг ахборотларини ҳар чоракда Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг мажлисларида эшитиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

8. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 8 февраль,  
ПҚ-120-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 8  
февралдаги ПҚ-120-сон қарорига

1-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган**

### **ДАСТУР**

Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган дастур (кейинги ўринларда — Дастур) чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини жадал ривожлантириш, республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилашга қаратилган.

### **1-боб. Чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларининг жорий ҳолати таҳлили**

Бугунги кунда республикамизда жами 18 032 та чорвачилик хўжаликлари мавжуд бўлиб, шундан 7 614 таси қорамолчилиқ, 3 263 таси қўй ва эчкичилиқ, 142 таси йилқичилиқ, 52 таси туячилиқ, 1 163 таси паррандачилиқ, 4 829 таси балиқчилиқ, 715 таси асаларичилиқ ва 254 таси қуёнчилиқ йўналишида ташкил этилган.

Биргина қорамолчилиқ йўналишида 500 бошдан 1 000 бошгача чорва моли бўлган хўжалиқлар сони 256 тага, 1 000 бош ва ундан юқори чорва моли бўлган хўжалиқлар сони 136 тага етди.

2021 йилда барча тоифадаги хўжалиқларда парвариш қилинаётган қорамолларнинг 91,8 фоизи (2018 йилда 95,5 фоиз) аҳоли хонадонларига, 8,2 фоизи (2018 йилда 4,5 фоиз) фермер хўжалиқларига тўғри келган.

Аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 47,5 килограммга (1 кишига йиллик меъёр — 46,1 килограмм), сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичи 336 килограммга (1 кишига йиллик меъёр — 310,4 килограмм) етказилди.

2021 йилда аҳоли хонадонлари ва фермер хўжалиқларида парваришланаётган 2,4 миллион бош сигир ва таналар сунъий уруғлантирилиб, зоти яхшилانган қорамоллар бош сони 54 фоизга етказилди.

Бундан ташқари, чет давлатлардан гўшт йўналишидаги тез етиладиган қорамолларнинг Абердин-ангус, Шароле, Герефорд ва Лимузин ҳамда сут йўналишидаги Джерсей, Швиц ва Монбильярд каби янги зотлари олиб келинди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида бундай зотларнинг 100 минг бошдан ортиғи парваришланмоқда.

Шунингдек, майда шохли молларнинг зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида қўйларнинг Меринос, Романов, Эдилбой, Дорпер зотлари ҳамда эчкиларнинг Ангор ва Занен зотлари чет давлатлардан олиб келтирилди.

Шу билан бирга, чорва молларининг наслини яхшилаш бўйича жами 497 та хўжалиқ наслчилиқ тоифасига ўтказилиб, уларнинг сони 1 640 тага етказилди.

2021 йилда чорвачилиқ субъектларига озуқабоп экинлар экиш учун ажратилган 339,7 минг гектар ер майдонларининг 37 минг гектарига янги беда (100 минг гектарда эски беда мавжуд), 158,5 минг гектарига силос учун маккажўхори, 31,8 минг гектарига оқ жўхори, 13,8 минг гектарига хашаки лавлаги экинлари экилган.

Шунингдек, ғалладан бўшаган 177 400 гектар ер майдонига такрорий озуқабоп экинлар экилган ҳамда чорва моллари учун озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида жами 23,8 миллион тонна озуқа жамғарилди.

Бироқ, боқилаётган чорва молларининг бош сони ажратилган озуқа экин ер майдонлари меъёрига нисбатан (шартли бир бош чорва молига ўртача 0,5-0,6 гектар) 2,5 баравар кўп.

Озуқабоп экинлар учун ажратилган ҳар бир гектар экин ерларидан 10 — 12 тоннадан озуқа жамғариш имкониятлари мавжуд бўлса-да, ҳар бир гектардан 6-7 тоннадан озуқа жамғарилмоқда.

Аҳоли жон бошига тухум етиштириш 236 донага ва парранда гўшти 6,5 килограммга етказилди.

2021 йилда балиқ етиштириш ҳажми 400 минг тоннага етказилиб, киши жон бошига 3-4 килограмм балиқ маҳсулотлари етиштирилган.

## **2-боб. Дастурнинг устувор йўналишлари**

### **15. Республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ҳамда чорвачилиқ ва унинг тармоқларида ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш**

Ушбу устувор йўналишда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали келгуси беш йилликда чорвачилиқ соҳаси ва унинг тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлашга эришилади.

Республикада сут ва сут маҳсулотлари сифатини яхшилаш, қайта ишлаш қувватларини ва маҳсулот турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилади ҳамда келгусида уларни экспортга йўналтириш чоралари кўрилади.

Аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, гўшт, сут, тухум, парранда гўшти ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашда истеъмол талабининг ошиши ҳамда реал даромадларнинг ортишини ҳисобга олган ҳолда, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми кўпайтириб борилади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш механизмларини амалиётга кенг қўламда татбиқ этиш, хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларини қўллаш;

илғор хорижий тажриба асосида чорвачилик соҳасининг паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик ва асаларичилик тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғини ошириш;

гўшт, сут, тухум, парранда гўшти, балиқ, қуён гўшти ва асал маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш ҳамда маҳаллий маҳсулотларни халқаро сифат талабларига мослаштириш;

балиқ, қуён гўшти ва асал маҳсулотларининг тавсия этилган минимал истеъмол нормаларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, аҳолининг соғлом овқатланиш маданиятини ошириш;

чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда чорвачилик соҳаси билан иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ўртасидаги интеграцияни илм-фан ва бозор муносабатлари асосида тизимли равишда такомиллаштириш;

чорвачилик ва унинг тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобини юритиш ва мониторингини олиб бориш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини босқичма-босқич ва кенг қўламда жорий этиш;

чорвачилик соҳасида агробизнес муҳитини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва замонавий менежментга асосланган хўжалик юритиш усулларини қўллаш мақсадида халқаро экспертларни жалб этиш ҳамда жаҳон тажрибаларига асосланган консалтинг хизматларини қўрсатиш тизимини кенг жорий этиш.

## **25. Чорвачилик ва унинг тармоқларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва қўшилган қиймат занжирини яратиш**

1. Чорвачилик ва унинг тармоқларида озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда озуқа ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш.

Ушбу устувор йўналиш чорвачилик соҳасида озуқабоп экинлар учун ажратилган ерлар ва мавжуд яйловлардан самарали фойдаланиш ҳамда озуқабоп экинлар уруғчилигини тизимли йўлга қўйиш механизмларини белгилаб беради.

Республикадаги мавжуд яйловларда чўлланиш жараёнларининг олдини олиш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш орқали чорва моллари учун табиий ҳамда арзон озуқа ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланилади.

Чорвачилик ва унинг тармоқларида озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда озуқа ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш, озуқабоп экинлар ва яйлов ўсимликлари уруғларини етиштиришга ихтисослашган уруғчилик хўжаликларини кўпайтириш ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган навларни кўпайтириш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

чорвачилик хўжаликларида озуқабоп экинларни агротехник қоидалар асосида экиш, парваришlash ва ўриб-йиғиб олишни илмий асосланган ҳолда ташкил этиш орқали чорвачилик озуқа базасини янада мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

озуқабоп экинларни жойлаштириш тартибини қайта кўриб чиқиш ва озуқабоп экин ерларини ишлаб чиқариладиган маҳсулот билан узвий боғлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

озуқабоп экин навларини яратган муаллифларни рағбатлантириш механизмларини йўлга қўйиш;

пахта-тўқимачилик кластерлари ва пахтачилик-ғаллачилик фермер хўжаликларидаги экин ерларида илмий асосланган ҳолда озуқабоп экинларни алмашлаб экишни йўлга қўйиш;

кучли озуқалар таркибини таҳлил қилиш учун ихчам лабораториялар ташкил этиш ва маҳсулот сифатини таҳлил қилишни тизимли тартибга солиш;

дуккакли ўсимликлар учун ер майдонлари ажратиш орқали хўжаликларда алмашлаб экиш амалиётини такомиллаштириш ҳисобига таркиби оқсилга бой бўлган озуқа жамғариш миқдорини ошириш ҳамда ер ва тупроқ унумдорлигини яхшилаш;

озуқавий қиймати юқори бўлган ҳосилдор яшил озуқалар, жумладан, маккажўхори экиладиган майдонларни кенгайтириш ва уларнинг ҳажмини ошириш ҳисобига чорва молларини озиклантириш самарадорлигини ошириш чораларини кўриш;

чет давлатлардан келтирилган маҳсулдорлиги юқори ва насли қорамолларнинг бош сонига нисбатан меъёр даражасида ва мутаносиб равишда озуқабоп экинлар учун суғориладиган ер майдонларини кенгайтиришни ташкил этиш.

2. Чорвачилик соҳасида наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш, сунъий уруғлантиришни тизимли йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш.

Мазкур йўналиш барча тоифадаги хўжаликларда чорва молларининг наслини яхшилаш, чорвачилик фермер хўжаликларининг наслчиликка ихтисослашувини кенгайтириш, сунъий уруғлантириш қўламини ошириш орқали маҳаллий маҳсулдорлиги паст бўлган сигирлардан зоти яхшиланган насл олишни кўпайтиришга қаратилган.

Чорвачилик фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликлари ўртасида кооперация тизимини йўлга қўйиш орқали аҳоли хонадонларидаги чорва молларининг зотини яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

насли мол тайёрлаб, етказиб беришни кўпайтириш ҳамда сигирларни сунъий уруғлантириш ишларини янада самарали ташкил этиш ҳисобига аҳоли хонадонларидаги чорва моллари зотини яхшилаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича чора-тадбир ишлаб чиқиш;

аҳоли хонадонларида гўшт ва сут учун боқилладиган қорамол зотларини кўпайтириш ва сунъий уруғлантиришни янада кенг қўламда ташкил этиш орқали маҳаллий маҳсулдорлиги паст бўлган молларнинг бош сонини босқичма-босқич камайтиришнинг афзалликлари ва иқтисодий самараси тўғрисида аҳолининг амалий кўникмаларини ошириш чораларини кўриш;

чорвачилик фермер хўжаликлари, наслчилик хўжаликлари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида ишлаб чиқаришни илм-фан билан интеграциялаштириш ҳамда ҳамкорлик ишларини талаб даражасида ташкил этиш;

чорва молларининг республика иқлим шароитига мослашган зотларини чет давлатлардан келтириш, районлаштириш ва улардан юқори маҳсулдор насл олишни кўпайтириш, сунъий уруғлантириш ҳамда эмбрион кўчириб ўтказиш бўйича келгуси 5 йилликка мўлжалланган наслчилик режасини ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилишини таъминлаш.

3. Чорва молларини сақлаш ва парваришлашнинг сифатини ошириш ҳисобига маҳсулдорликни кўпайтириш.

Ушбу устувор йўналишда чорва молларини уй шароитида ва фермер хўжаликларида боқиш ва парвариш қилишнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш чоралари белгиланади.

Сут ва гўшт маҳсулотларини сақлаш, озуқа тайёрлаш, микроиқлим шароитларини яратиш, сут сифатини жойида текшириш, органик чиқиндилардан тозалаш ва ушбу жараёнларни кенг йўлга қўйиш орқали чорвачилик хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарасини жадаллаштириш чоралари кўрилади.

Чорва ҳайвонлари ва паррандаларни парваришлаш самарадорлигини ошириш орқали соҳада меҳнат сарфи камайтиради ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари қисқартиради.